

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

243 Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситаларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2233

(2011 йил 19 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сон «2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 141-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилдилар:**

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воси-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

таларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 май,
34-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 май,
2011-18-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2011 йил 27 майдаги 34,
2011-18-сон қарорига
ИЛОВА

**Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган
асосий воситаларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни
қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сон «2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 141-модда) мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситаларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни (кейинги ўринларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёз деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сон «2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2011 — 2015 йил-

ларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга оширилишида қатнашадиган «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари, шунингдек, ташкилотлар соғутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситалар юзасидан янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида сақлаш жойлари фойдаланишга қабул қилинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

2. Мазкур Низом умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи бўлган ташкилотларга қўлланилади.

3. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

модернизациялаш — асосий воситалар объектини технологик ёки хизмат мақсадини ўзгартириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ёки бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ишлар;

реконструкция қилиш — архитектуравий режалаштирилган ечимларни ўзгартириш, усткурмалар қуриш, қисман бузган ҳолда, ишдан чиққан ва маънавий эскирган конструкциялар ва муҳандислик жиҳозларини алмаштириш;

янгидан қуриш — соғутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган янги бино ва иншоотларни қуриш.

II. Имтиёзни қўллаш

4. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз соғутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситалар қийматига солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишида уч йил муддатга янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида сақлаш жойлари фойдаланишга қабул қилинган пайтдан бошлаб тақдим этилади.

5. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз қўллаш учун ташкилотлар соғутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситалари бўйича солиқ солинадиган базасининг ҳисобини алоҳида юритишлари шарт.

6. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисобкитоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111, 2007-66-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) юридик шахсларнинг мол-

мулкига солинадиган солиқ ҳисоботи шаклларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобининг тегишли 4-илоvasи 030-сатрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сон «2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори номини кўрсатиб, совутиш камераларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситаларнинг мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати кўрсатилади.

III. Имтиёзни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

7. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш Юридик шахсларга, солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) мувофиқ амалга оширилади.

IV. Яқуний қоида

8. Мазкур Низомда кўрсатилган солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.